

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил февраль ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси А.Бойбиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Мусаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Нуриддинов, [REDACTED]

[REDACTED] иштирокида, судланувчи Абдураимов Алишер Ўрал ўғлига оид 1-1901-2302/21-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 2001 йил 4 январь куни Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, буйдоқ, вақтинча ишламайди, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, [REDACTED], иш юзасидан “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни текшириб, тарафларнинг музокара нутқлари тинглаб, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи ХХХфирибгарлик йўли билан ўзганинг пулларини қўлга киритиш мақсадида, 2022 йилнинг сентябрь ойида «ОЛХ» ижтимоий тармоғи орқали ўзига олдиндан таниш бўлмаган Термиз шаҳар, “Жўйжангал” маҳалласи, Т.Сайдалаева кўчаси, 8А-уйда яшовчи фуқаро [REDACTED] билан танишиб қолиб, унга тоғаси [REDACTED] тегишли бўлган Бандихон



тумани “Обод турмуш” маҳалласи ҳудудида жойлашган 4000 квадрат метр ер участкаси борлигини айтиб, Бандихон тумани “Обод турмуш” маҳалласи ҳудудида жойлашган тоғаси [REDACTED] [REDACTED] тегишли бўлган 2000 квадрат метр мерос қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ва 1700 квадрат метр фойдаланиш асосида берилган ер майдонини кўрсатиб, ўзи эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаган ер участкасини арзон баҳода сотишга ваколоти бўлмасада, сотишлигини ваъда қилиб, ер майдони сотиш бўйича қонуний эгаси [REDACTED] бу ҳақида айтмасдан, ушбу ер майдонини жами 97.000.000 сўм пул эвазига сотиши ҳақида келишиб, 2022 йил 29 сентябрь куни тахминан соат 13:30 ларда Термиз шаҳар “Жайхун” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Афродита” ресторанининг ички [REDACTED] 97.000.000 сўм кўп микдордаги пулларни фирибгарлик йўли билан олган вақтида тезкор-тадбир иштирокчилари томонидан ашёвий далиллар билан ушланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятини охирига етказа олмасдан, олмасдан, қасддан фирибгарлик жинояти содир этишга суиқасд қилган.

Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 2022 йил 2 ноябрдаги 361-сонли судга оид кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, тезкор тадбир [REDACTED] олинган суртма намуналарида махсус кукун излари мавжудлиги ва ушбу кукун излари пулларга ишлов бериш жараёнида олинган махсус кукун намуналари билан ўз хусусиятларига кўра турдош эканлиги ҳамда тезкор тадбир вақтида [REDACTED] олинган 2 дона 10.000 сўмлик пулларда махсус кукун излари ва махсус қалам билан ёзилган “ПОРА АЛИШЕРГА 29.09.2022 й” номли ёзувлар мавжудлиги, ушбу кукун излари ҳамда ёзувлар пулларга ишлов беришда олинган махсус кукун намуналари ҳамда махсус қалам намуналари билан ўз хусусиятларига кўра бир-бирига турдош эканлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] судда, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2012 йилда Онаси Алиева Гулчехра тоғаси [REDACTED] [REDACTED] туманида жойлашган 40 сотих ер майдонини сотиб олганлиги, ўзи 2017 йилдан буён Тошкент вилоятида яшашлиги, пул керак бўлганлиги сабабли ушбу ет майдонини сотмоқчи бўлиб, 2022 йил 18 сентябрь куни “ОЛХ” ижтимоий тармоғига қўйганлиги, 2022 йил 20 сентябрь куни унга олдиндан нотаниш бўлган Муқаддас исмли шахс телефон килиб, ер майдонини сотиб олмоқчилигини айтганлиги, шунда у Тошкент вилоятида эканлигини, агар ер майдонини сотиб олмоқчи бўлса, Сурхондарё вилоятига бориши билдирганлиги, Муқаддас опа билан 40 сотих ер майдонини 97.000.000 сўмга сотишга келишишганлиги, шундан сўнг 2022 йил 29 сентябрь куни мен Муқаддас опага 40 сотих ер майдонини сотиб пулларни олиш учун Сурхондарё вилоятига келганлиги, Термиз шаҳрида жойлашган



"Афродита" ресторанида кўришиб [REDACTED] билан кўришиб, ундан сотмоқчи бўлган Бандихон туманида жойлашган 40 сотих ер майдони учун 97.000.000 сўм пулларни санаб олиб, у билан гаплашиб ўтирган вақтида, фуқаролик кийимида бўлган шахслар келишиб, ўзларини ИИБ ходимлари деб таништиришиб, гувоҳномасини кўрсатиб, тезкор тадбир ўтказилаётганини маълум қилишганлиги, шундан сўнг ундан кимлиги сўраганлиги, у улар кимлиги, тоғасидан сотиб олган 40 сотих ер майдонини Муқаддас опага 97.000.000 сўмга сотаётганини айтганлиги, шундан сўнг у ер майдонини сотиши натижасида олган пулларни тақдим қилишини сўрашганлиги, шунда у уларга пулларни тақдим қилганлиги, шундан сўнг мутахассис ушбу жойда уни ва пулларни ОЛД аппарати ёрдамида текшириш имконияти йўқлигини маълум қилганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлари уларни вилоят ИИБ биносига олиб келишиб, ОЛД махсус аппарати ёрдамида кўздан кечирилганида қўллари ва эгнидаги кийимларида кимёвий кукун излари мавжудлиги аниқланганлиги, шундан кейин у тақдим этган пуллар 97.000.000 сўм эканлиги, пуллар кўздан кечирилганда улар орасида 1 дона 10.000 сўм купюрадаги пулга «ПОРА АЛИШЕРГА 29.09.2022Й.» ёзувлари ёзилганлиги аниқлаганлиги, содир қилган ҳаракатига иқрор ва чин қўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судга ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраб ариза тақдим қилиб, судланувчи [REDACTED] нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, терговдаги кўрсатувида 2022 йилнинг сентябрь ойида турмуш ўртоғи билан биргаликда иссиқхона қуриш учун ер излаб, "ОЛХ" ижтимоий саҳифаси орқали ер сотилиши ҳақида эълонларни кузата бошлаганлиги ва Бандихон туманида сотиладиган ер борлиги ҳақида билганлиги, шундан сўнг "Телеграм" ижтимоий тармоғи орқали Бандихон туманида исми-шарифини кейинчалик билган Абдураимов Алишер билан гаплашиб, Бандихон туманида 40 сотих ер майдони борлигини, ушбу ер майдонини сотиш ниятида эканини билганлиги ва 2022 йил 23 сентябрь куни Бандихон туманига борганлиги, у ерда ўзига олдиндан таниш бўлмаган "Музаффар" исмли шахс билан учрашганлиги, унга ушбу жойдан ер сотиб олиш нияти борлигини айтганлиги, у унга ер майдони жияни "Алишер" исмли шахс тегишли эканини айтганлиги, шундан сўнг Алишер билан гаплашганлиги ва ери унга мақул бўлганлиги, у унга ушбу ер майдони учун 97.000.000 сўм берса, фақат ер майдонининг 20 сотих қисмининг ҳужжатлари йўқлигини айтганлиги, шундан сўнг у билан келишганидан сўнг уйига келганлиги ва ўйлаб кўрганидан сўнг Алишер ер майдонини унинг номига расмийлаштириб бўлмаслигини билганлиги, шунинг учун у ва бошқа фуқаролар алданиб колмаслиги учун "Алишер" исмли шахсга нисбатан қонуний чора кўришни, уни



жиноят устида қўлга олишда ёрдам беришни сўраб ИИБ ходимларига ариза билан мурожаат қилганлиги, шундан кейин пул олди-берди жойи қилиб Термиз шаҳар “Жайхун” маҳалласида жойлашган “Афродита” ресторани белгиланганлиги, унга «Алишер» исмли шахсга бериши учун кимёвий ишлов берилган жами 97.000.000 сўм пуллар ва ўрталаридаги сўзлашувларни ёзиб олиш учун ИИБ ходимлари берган «ON OFF» русумли кора рангли овоз ёзиш мосламасини олиб, тезкор ходимлари кузатуви остида “Афродита” русторанига борганлиги, бир оз ваатдан сўнг «Алишер» исмли шахс келиб, у ўтирган хонага кирганлиги, у «Алишер» исмли шахсга тадбирда ишлатиш учун берилган жами 97.000.000 сўм микдоридаги пулларни берганлиги, шундан сўнг тадбир иштирокчиларига пулларни «Алишер» исмли шахс олганлиги ҳақида ишора берганлиги, соат тахминан 14:08 ларда ИИБ ходимлари холислар иштирокида улар ўтирган хонага кириб, унга ва «Алишер» исмли шахсга тезкор тадбир ўтказилаётганини айтиб, ўзларини таништиришганлиги, «Алишер» исмли шахсдан сўрашганида у ўзини ХХХэканини, ўзига тегишли булган суғориладиган 40 сотих ер майдонини унга жами 97.000.000 сўмга сотганини айтиб, ундан 97.000.000 сўм пулларни олганини маълум қилганлиги ва уларга 97.000.000 сўм пулларни тақдим қилганлигини ҳақида кўрсатув берган.

гувоҳ [REDACTED] судда, бугунги кунда устачилик фаолияти билан шуғулланиб келишлиги, 2022 йил сентябрь ойларининг бошида ўз ишлари билан юрган вақтида жияни Абдураимов Алишер унга телефон қилганлиги ва унга “Обод турмуш” маҳалласида жойлашган ер майдонини сотаётганини, лекин ўзи Тошкент шаҳрида бўлганлиги сабабли ушбу ер майдонини мижозга кўрсатиб юборишини илтимос қилганлиги, у унинг илтимосига мувофиқ 2022 йил сентябрь ойларининг ўртасида унга олдиндан таниш бўлмаган тахминан 45 ёшлардаги аёл оқ рангли “Кобалт” русумли автомашинада келганлиги ва унга ерни кўрсатишини айтганлиги, у унга “Обод турмуш” маҳалласида жойлашган ер майдонини кўрсатганлиги, у ер майдони ёққанлигини ва сотиб олишини айтганлиги, шундан сўнг у ўз ишлари билан шуғулланиб юрганлиги, орадан бир оз вақт ўтиб, жияни ушбу ер майдонини 97.000.000 сўмга сотаётган вақтида тезкор-тадбир давомида қўлга олинганини эшитганлиги, жияни [REDACTED] сотмоқчи бўлган ер майдонини 40 сотих деб ўйлаганлиги, аслида ушбу ер майдони 37 сотих эканлигини кейинчалик билганлиги, жияни [REDACTED] сотмоқчи бўлган ер майдони ҳужжат бўйича жияни М.Маматқобиловнинг номида бўлсада, лекин амалда ушбу ер майдони жияни [REDACTED] оиласига тегишли бўлганлиги, [REDACTED] отаси спиртли ичимлик кўп истемол қилганлиги сабабли уларга эртанги ҳаётига нимадур қолсин деган маънода жияни М.Маматқобиловнинг номи ўтказиб қўйилганлиги, жияни А.Абдураимов



сотмоқчи бўлган ер майдонининг 17 сотихида ҳужжатлари йўқлигини жияни [REDACTED] тезкор-тадбир давомида қўлга олинганидан сўнг билганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Бундан ташқари, [REDACTED] айби [REDACTED] аризаси, пулларга ишлов бериш, баённомаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари, фото жадваллари, пушаймонлик аризаси, нарсани ашёвий далил деб топиш ҳақидаги қарор, шунингдек, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд судланувчи [REDACTED] айб квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25-моддасининг иккинчи қисмида, қасддан содир этилган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши;

4-бандининг биринчи хатбошида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши;

5-бандида, фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозимлиги, ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкинлиги;

7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] ўзганинг пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга сиқасд қилишда ифодаланган қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан квалификация қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчи [REDACTED] фуқаро М.Бекмуратовага тоғаси [REDACTED] тегишли бўлган 2000 квадрат метр мерос қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ва 1700 квадрат метр фойдаланиш асосида берилган ер майдонини кўрсатиб, ўзи эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаган ер участкасини арзон баҳода сотишга ваколати бўлмасада, сотишлигини ваъда қилиб, ер майдони сотиш бўйича қонуний эгаси М.Маматқобиловга бу ҳақида айтмасдан, жами 97.000.000 сўм кўп пуллар эвазига сотиши ҳақида келишиб, Термиз шаҳар “Афродита” ресторанининг ички қисмида ундан 97.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олган вақтида тезкор-тадбир иштирокчилари томонидан ашъвий далиллар билан ушланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятини охирига етказа олмасдан, қасддан фирибгарлик жинояти содир этишга сиқасд қилган.

Бундай ҳолатда, судланувчи [REDACTED] фирибгарлик йўли билан ўзганинг куп миқдордаги фирибгарлик жиноий ҳаракатини тугалланган жиноят сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан квалификация қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Шу боисдан, суд судланувчи [REDACTED] ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” бандидан ЖК 28,168-моддаси 3-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

54-моддасининг иккинчи қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги”ги 1-сонли қарори 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек



жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда ўз айбига иқрор ва пушаймонлигини, жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, қонун санкцияси доирасида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазо муддатини у Тошкент вилояти Зангиота туман Пробация гуруҳида рўйхатга олиниб, иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатиришни, жазо ижросини Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклашни, унга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ва А.Абдурахимов томонидан эҳтиёт чораси сифатида гаровга қўйилган 7.000.000 сўм пулларни унинг ўзига қайтаришни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона СД дискни жиноят иши материаллари билан бирга сақлашни, 8 дона конвертларни йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо муддати [REDACTED] Тошкент вилояти Зангиота ИИБ Пробация гуруҳида рўйхатга олиниб, иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин.

Жазо ижросини Тошкент вилояти Зангиота туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклансин.

А.Абдураимовга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва



А.Абдурахимов томонидан эҳтиёт чораси сифатида гаровга қўйилган 7.000.000 сўм пуллар унинг ўзига қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган:

1 дона СД диск жиноят иши материаллари билан бирга сақлансин;

8 дона конвертлар йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

А.Бойбилов

